«Шариатда келтирилган ном учун изн сўзи унинг муродифига (синонимига) берилган исмдир. Уни кувватлайдиган нарса шуки, хар бир лугат ахли Аллох таолони ўзларининг лугатларига мос исм билан атайдилар. Чунончи, Аллохни форслар «Худой», румликлар «Тангри»

каби бошка лугатлар ахли кабилар айтиб келадилар. Хакикат шуки, шу тўғри бўлса, айтиш жоиз, демак, иштибохли – муташобех бўлмаган сифатларда бу тўғри бўлаверади. Муташобех сифатларга келадиган бўлсак,

«
яд
»
,
«
важх
»
,
«
айн
»

каби бошка сифатларида хам энг яхшиси шуки, Китоб ва Суннатдаги матнларда келтирилган лафзга эргашамиз. Хох арабча бўлсин ва хох бошка тилларда бўлсин, бошка лафзларга ўзгартирмаймиз. Демак,

«
айн
»
лафзини
«
кўрувчи
»
га,
«
кадам
»
лафзини
«
оёк
»

ка ўзгартирилмайди. Форсча хам айтилмайди. Бу Имом Жамолиддин ал-Махбубий (рахимахуллох)нинг «Ал-Фурук

»
китобида келтирилган:
«
Ядуллохи фавка айдихим
»
ояти
«
Худонинг кўли хамма кўллар устида
»
, дейилмайди
»
, деган нарсадир.

Тўгри, кимки энг мустахам йўлни танлаган ва муташобехларни таъвил килган бўлса, унга буни айтиш жоиздир. Чунки мурод аниқдир. Аммо кимки Имом Абу Ханифа (рахима хуллох) каби энг саломат қолинадиган йўлга эргашган бўлса, гапни ошкора килмайди
»
(Илёс ибн Иброхим аш-Шайбоний.
«
Шарх ал-Фикх ал-акбар
»
. Кўлёзма. – Мактабат Жомеъат ар-Риёз. Кисм ал-махтута. № 1438. – В. 52
а-б
).

Юкоридагиларни эътиборга олиб, кейинги давр уламолари «яд»ни форс ва бошка тилларда таржима килиб, сўнг унинг тафсирини – муташобех маъноли сўз экани, уни мутааххиринларга каби

«
кувват
»
,
«
кудрат
»
маъносида таъвил килиш мумкинлиги, мутакаддиминлар каби асл маъносини билиб бўлмайдиган, Аллохнинг ўзигина билладиган бир сифати эканини изохлаб, шархлаб бера бошладилар. Бунга далил сифатида бир канча тафсир ва маъно таржималарни кўрсатиш мумкин.

Аллох таолонинг «яд» сифати Куръони Каримда олти ўринда бирлик, иккилик ва кўплик шаклларида келтирилади, бир ўринда эса «яд» ўрнига унга синоним бўлган сўз билан (

«
кабза

»

ва

«

ямин

»

) зикр килинган. Уларни Куръони Каримнинг ўтган асрларда ёзилган форсча ва туркийча тафсирларида қандай берилганига назар солсак, масала анча-мунча ойдинлашади. Чунки араб тилида битилган тафсирларда бу масала кўтарилмаган,

«

яд

»

ни шу ном билан аталиб, тафвиз ёки таъвил килинаверган. Маъно-таржималарни кузатганимизда,

«

яд

»

ни ўз холича бериш ҳам, унинг таъвилини бериш ҳам ҳамда унинг лугавий таржимасини бериш ҳам жоиз кўрилганлиги маълум бўлади:

Бизга маълум форсий тафсирлар ичида энг қадимгиси «Тафсири Зохийдий» дир. Унинг муаллифи Бухоролик Абу Наср Ахмад ибн ал-Хасан (ал-Хусайн) ибн Ахмад ас-Сулаймоний ад-Даруний ал-Бухорий бўлиб, мазкур тафсирини 519 хижрий, 1125 мелодий йилларда Бухорода ёзган. Мазкур тафсирни эронликлар ва айрим шарқшунослар шиа тафсири деган бўлса-да, бироқ унинг тадқиқ қилинса, шиаликка умуман алоқаси йўқ экани, ахли сунна ва жамоа эътиқодига мансуб бир тафсир экани ойдинлашади. Унда кироатлар фарқлари бахсида Имом Осим (рахимахуллох

) кироатига суянилади, Куръони Каримни махлук эмас – яратилмаган, дейилади. Ундаги ахком оятларининг ханафийлик мазхабига мувофиқ тафсир қилинганидан эса муфассир ханафий мазхабида экани маълум бўлади. Хуллас, мазкур тафсирда Куръонда келтирилган Аллох таолонинг

«

яд

»

сифатига жами ўринларда таъвил йўлига кўра маъно берилган. Фақат бир ўринда, Моида сурасининг 64-оятида, у ҳам бўлса, яхудийлар сўзи сифатида келтирилган:

□□□□□□ □□□□ □□

жумласи қуйидагича тафсир қилинган:

килинмасликка ҳаракат килинган. Бирок одамларга тўғри маънони очиброк бериш мақсадида айрим ўринларда таржималарга рухсат берилган бошлаган эди, бунга ҳеч ким эътироз билдирмаган.

848 хижрий, 1444 мелодий йилда Хиндистонда форс тилида ёзилган тафсирлардан бири «Ал-Бахр ал-маввож» дир. Унинг муаллифи Соҳибкирон Амир Темур (рахимахуллох) Хиндистонга борганида пешвоз чиққан ва Соҳибкироннинг ҳурматига сазовор бўлган Шамсиддин Шаҳобиддин Аҳмад ибн Умар аз-Зовулий ад-Давлатободий (рахимахуллох) дир. У ҳам тафсирида

«
яд
»

калимасини таржима қилмасликка ҳаракат қилган ва таъвил йўлига кўра тафсир қилган. Жумладан, Мулк сурасининг 1-оятдаги:

□□□□□ □□□□
жумласини
□□□ □□□□ □□□□ □□□

—
«
Мулк Унинг яди тасарруффидадир
»

, деб берган ва муташобех борасида қуйидагиларни битган:

□□□ □□□ □□□ □□□□□ □□□□ □□□□ □□□□ □□□□ □□□ □□ □□ □□ □□□□□ □□ □□ □□□□□ □□□□□ □□
□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□ □□□□□ □□□□ □□□ □□□□□□□□ □□ □□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□ □□
□□□□□ □□□□ □□□□□ □□ □□ □□□ □□□□□ □□□□□ □□ □□□□ □□□ □□□ □□□□□

«Яд» жисмнинг бўлакларидан бўлмиш бир аъзодир. Аллох таолонинг зотига ушбу маънони нисбат қилиб бўлмайди. Бу оятни муташобехлар жумласидан санаш керак. Муташобехлар борасида салаф уламолари Худой таолонинг муродини Хакнинг ўзи билади, деб унинг таъвилига машгул бўлмаганлар. Халаф уламолари эса Аллох таолога лойик маънони таъвил қилганлар. «Яд»ни «қудрат» ва «тасарруф» маъносида деганлар (Шамсиддин Аҳмад ибн Умар аз-Зовулий Давлатободий.

«
Ал-Бахр ал-маввож

»
. ЎзР ФА ШИ кўлёзмаси, № 2815. – В. 761

b
).

«Ал-Бахр ал-маввож» ёзилган даврда Мовароуннахрда бўлган Аллома Саъдуддин ат-Тафтазоний (раҳимахуллох) муташобех оятларни таъвил килиш жуда кенг ёйилиб улгургани натижасида муташобех сифатларни ҳам, жумладан, «яд» сифатини ҳам таржима килишга мажбур бўлган эди:

XV асрнинг – Темурийлар даврининг энг буюк мутакаллим олими Аллома Саъдуддин ат-Тафтазоний (раҳимахуллох.) ҳам Куръони Каримга форс тилида тафсир ёзган бўлиб, унинг тафсири «Кашф ал-асрор ва уддат ал-аброр» деб номланган. Хар калай, кўлёма фехристларида, шунингдек,

«
Кашф аз-зунун

»
,
«
Табакот ал-муфассирин

»
,
«
Хадийят ал-орифин

»
сингари био-библиографик асарларда мазкур форсий тафсирнинг муаллифи сифатида Аллома Саъдуддин ат-Тафтазоний (раҳимахуллох) кўрсатилади.

Аллома Саъдуддин ат-Тафтазоний (раҳимахуллох) «Кашф ал-асрор» тафсирида «Сод сураси

»
нинг 75-оятидаги:

□□□□□ □□□□ □□□

жумласини:

□□□□ □□□ □□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□

—
«

Шундай нарсаники, икки кўлим ила яратганман

»
тарзида маъно таржима қилган (Саъдуддин ат-Тафтазоний. «Кашф ал-асрор ва уддат ал-аброр». ЎзР ФА ШИ кўлёмаси, № 3285. – В. 337

а

).

Яна Аллома Саъдуддин ат-Тафтазоний (рахимахуллох) «Кашф ал-асрор» тафсирида Мулк сурасининг 1-оятида келган:

□□□□□ □□□□

жумласи:

□□□□□ □□ □□□□ □□ □□□□□□□ □□□□ □□□□

—

«

Унинг кўлидадир подшоҳлик, беради, улуглайди

»

, деб берилган (Саъдуддин ат-Тафтазоний. «Кашф ал-асрор ва уддат ал-аброр

»

. ЎзР ФА ШИ кўлёмаси, № 4919. – В. 149

b

).

Демак, Аллома Саъдуддин ат-Тафтазоний (рахимахуллох)дек салаф ва халаф орасини ажратиб турадиган мутакаллим олимнинг

«

яд

»

ни форс тилида

«

даст

»

деб бериши уни шу хилда таржима килиш бу даврдан бошлаб мумкин иш эканини англатар эди. Бу билан ахли суннат ва жамоа йўлидан айрилиб, бошка йўлга огиб кетганликни билдирмас эди. Шунинг учун ҳам шу даврдан эътиборан ахли сунна ва жамоа эътикодида ёзилган форсий тафсирларнинг аксариятида

«

яд

»

форсча

«

даст

»

деб ҳам берилган бошлаган. Аллома Саъдуддин ат-Тафтазоний (рахимахуллох

)ни айримлар ашъарий акийдасида бўлгани боис

«

яд

»
ни форсча

«
даст
»

деб бераверган, деган мулохаза билдирилса, унинг Мовароуннахрда, айникса, Самаркандда Мотуридий акийдасида илмий фаолият олиб борган олимлигини эслатиш керак бўлади. Бу унинг акийдада иймоннинг шартлари тасдиқ ва икродан иборат, амал унинг шартига кирмайди, деган қарори; иймон келтиришда истисно мумкин эмаслиги ҳақидаги қароши; таквин ҳам Аллохнинг бир зотий сифати экани; иймон зиёда ҳам, ноқис ҳам бўлмаслиги ҳақидаги фикри; гуноҳи қабира қилган одам фосик мўъмин экани ҳақидаги ҳукмлари, шунингдек,

«
Фатовойи Ханафийя

»
, деган фатво тўплами тузганлиги, Мухаммад ибн ал-Хасан аш-Шайбоний (рахимахуллох)нинг

«А
л-Жомеъ ал-қабир

»
ининг қисқартмасини кенг шарҳ қилиб чиққани, ханафийларнинг усул ал-фикҳига оид машхур

«А
т-Талвих

»
асарини ёзгани ва ниҳоят, ханафийлик ҳамда мотуридийликка оид

«
Ақоид ан-насафия

»
ни муваффақиятли шарҳ қилгани тасдиқлайди.

Буюқ мутафаккир Алишер Навоий (рахимахуллох) буюртмаси ва таклифи билан Мавлоно Хусайн Воиз Кошифий (рахимахуллох) XV асрда Қуръони Қаримга форс тилида икки марта тафсири ёзган. Шулардан энг машхури

«
Тафсири Хусайний

»
номи билан танилган

«
Мавоҳиби алийя

»
тафсиридир. Шундан сўнг Хиндистоннинг энг машхур муҳаддиси Шох Валийуллох

«Балки Аллох таолонинг кўллар очикдир, яъни унинг саховати кенг ва унинг карами вафо килувчидир. «Яд» Худонинг «самъ», «басар», «важх» каби зотий сифатларидан бир сифат бўлиб, бизларга унинг борасида иймон келтиришдан ва таслим бўлишдан ўзга чора йўк. Унинг кандайлиги борасида дахл килиш раво бўлмайди

»
(Хусайн Воиз Кошифий. «Тафсири Хусайний»
»
. – Бўмбай: Хайдарий, 1295. – Б. 191-192).

«Фатх ар-Рахмон» да эса: «Балки, Унинг икки кўли очикдир», дейилган.

3) «Тафсири Хусайний» да Сод сурасининг 75-оятдаги «...» жумласини куйидагича тафсир килинган:

«...»

«Ўзимнинг икки кўлим билан яратган ўша нарсага...» Баъзи тафсирларда келганки, мақсад «яд» и кудрат ва «яд» и неъматдир

»
(Хусайн Воиз Кошифий.

«
Тафсири Хусайний

»
. – Бўмбай: Хайдарий, 1295. – Б. 734).

«Фатх ар-Рахмон» да ушбу оят: «Шундай нарсагаки, уни ўзимнинг икки кўлим ила яратганман

»

куйдагича берилган:

«Худонинг куввати ўзининг охиратда савоб бериш ваъдасида ёки ўз Пайгамбари тасарруфида вафо килишда ахдга вафо килиш ё ёрдам бериш ёки Пайгамбарга мувофакат килиш борасида уларнинг кўллари устидадир. «Маолим» да келтирилганки, сахобалар (розияллоху анхум) байъат килиш вақтида Пайгамбар (алайхиссалом)нинг кўлларини ушлаганлар. Аллохнинг

«
яд
»
и эса байъат килиш вақтида уларнинг кўллари тепасида бўлган
»
(Хусайн Воиз Кошифий. «Тафсири Хусайний
»
. – Бўмбай: Хайдарий, 1295. – Б. 900).

«Фатх ар-Рахмон» да ушбу оят: «Худонинг кўли уларнинг кўллари устидадир», деб берилган.

6) «Тафсири Хусайний» да Зориёт сурасининг 47-оятидаги: жумласи куйдагича берилган:

«Осмонни илохлик куввати билан бино килдик. Айтурларки, уни яратишга куввати бордир » (Хусайн Воиз Кошифий. «Тафсири Хусайний». – Бўмбай: Хайдарий, 1295. – Б. 838).

ахли суннат ва жамоа эътиқодига ва ханафийлик мазхабига мустахкам амал килиши билан танилган эди. У ўз кизи Зеббуннисо бегимни ҳам худди шундай тарбия килгани аниқ. Ана шу Зеббуннисо (

рахимахуллох

.) ҳам

«

Зеб ат-тафосир

»

деган форс тилидаги Куръони Каримнинг бир неча жилдли тафсирини яратган. Мазкур

«

Зеб ат-тафосир

»

да ҳам муташобех оятлар таъвил йўлига кўра таржима килинган,

«

яд

»

сифати иложи борича

«

даст

»

деб таржима килинмаган. Факат бир ўринда

—

Моида сурасининг 64-ояти тафсири жараёнида бундай дейилади:

□□□□ □□□□ □ □□□□ □□□□□ □ □□□ □□□□□ □□□□ □□ □□□ □□□□□ □□□□□ □□□□

«Шундай мавжуд Зотнинг кўли боглик бўлиши, кудрати эса кайдланган ва ноқис бўлиши мумкин эмасдир » (Зеббуннисобегим. «Зеб ат-тафосир». ЎзР ФА ШИ кўлёмаси, ЎзР ФА ШИ кўлёмаси, № 2590. – В. 120 ^{b)}).

«Зеб ат-тафосир»да «яд»ни тафсир килинар экан, Аллохнинг жисм эмаслигини исботлашга ҳаракат килинади. Аллохни жисм дейдиган «мужа
ссима

»

тоифасига куйидагича таъриф берилади:

□□□ □□□□ □□ □□ □□ □□□□□□□□ □□□ □□□□□□ □□□□ □□ □□ □□□ □□□□ □□□□□

«Мужассима тоифаси «у (яъни «яд» сифати) худди хар бир кимсада бўлгани каби бир жисмоний аъзодир», дейдилар» (Зеббуннисобегим.

«Зеб ат-тафосир

»

. ЎзР ФА ШИ кўлёмаси, ЎзР ФА ШИ кўлёмаси, № 2590. – В. 121

b

).

«Зеб ат-тафосир»да «яд» борасида салаф ва халаф карашларига фикр билдирилган.

Гарчи унда «яд»ни тўғридан тўғри таржима килмасликка

уринилган бўлса-да, бироқ айрим ўринларда тушунтириш ва изохлашларга мажбур

бўлинганидан «яд»ни «даст» дейишга

мажбур бўлинган. Яхудийларнинг гапларини келтирар экан, бундай дейилган:

□□□ □□□□ □□□□ □□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□ □□□□□ □□

«Бас, хакикатдан хам, улар «худонинг кўли богликдир», дейдилар (Зеббуннисобегим. «Зеб ат-тафосир

»

. ЎзР ФА ШИ кўлёмаси, ЎзР ФА ШИ кўлёмаси, № 2590. – В. 122

b

).

Демак, Аллох таолонинг «яд» сифатини таржима килиш-килмаслик ҳукукини муфассирнинг эҳтиёткорлиги, пархезкорлиги, жоиз амалдан фойдаланиш ихтиёри кабилар белгилаб берган. Айрим тафсирларда хамма ўринларда

«

яд

»

сўзи

«

даст

»

деб таржима килинган бўлса, айрим ўринларда умуман бундай килинмаган ва

«

яд

»
ни таъвил йўлига кўра муносиб ўринларига қараб,
«
тасарруф
»
,
«
кувват
»
,
«
кудрат
»
,
«
неъмат
»
каби сўзлар билан тафсир қилинаверган.

Жумладан, XV асрнинг яна бир таникли форсий тафсирини ёзган, буюк мутасаввиф, накшбандия тарикатининг таникли вакили Мавлоно Яъқуб Чархий (рахимахуллох) Мулк сурасининг 1-оятидаги:

□□□□□ □□□□

жумласини:

□□□□□□□□ □□□□ □□□□ □ □□□□□□□

– Унинг фармони ва кудратида подшоҳлик

»
, деб тафсир қилган (Мавлоно Яъқуб Чархий. «Тафсири Яъқуб Чархий
»
. – Бўмбай: Каримий, 1326. – Б. 10).

«Тафсир Яъқуб Чархий»нинг XVI асрда қилинган туркий таржимасида ҳам худди шу тарзда берилган («Яъқуб Чархий тафсирининг туркий таржимаси

»
. – Тошкент, 2010. – Б. 21).

XVII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган Мухаммад Афанди ибн Хамза (рахимахуллох) Севосда мударрислик қилган ханафий олимидир. У

«
Тафсири Тибён

»

номли тафсир ёзган бўлиб, барча ўринларда

«

яд

»

сифатини ўз холича берган. Оли Имрон сурасининг 26-ояти:

«

Хайр ва шар санинг ядингдадур

»

, деб берилган бўлса, Моида сурасининг 64-ояти:

«

Яхуд дедиларки, Аллох таолонинг яди ризқдан махбуса ва макбузадир. Ул маколалари сабабила ядлари хайротдин имсок ўлинди. Балки Анинг ядони мабсутадир

»

, дейилган. (Мухаммад Афанди ибн Хамза. «Тафсири Тибён

»

. 1-жилд. – Истанбул: Омира, 1306. – Б. 244). Кўриниб турибдики, мазкур тафсирда арабча сўзлар шу қадар кўп ишлатилганки, унинг ўзини тафсир килишга тўғри келади.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида яшаган, Бухоройи шарифда ўкиб олим бўлган татар олими Абу Наср Курсовий (рахимахуллох) ҳам мазкур Мулк сурасининг 1-оятидаги: □□□□ □□□□

жумласини:

«

Жами мулк ва умур онинг ихтиёринда ва тасарруфинда бўлгучи Аллох таоло

»

, деб тафсир қилган (Абу Наср Курсовий. «Тафсири Абу Наср Курсовий

»

. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 11460. – В. 196

а

).

Абу Наср Курсовий (рахимахуллох)нинг шогирди Нўъмон ибн Амир ибн Усмон Козоний (р ахимахуллох

) ҳам

«

Тафсири Нўъмоний

»

номи остида татар тилида тафсир ёзган бўлиб, унда

Оли Имрон сурасининг 26-ояти:

«

Барча хайр Сандадир

»
 , деб таъвил йўлига кўра маъно-таржима берилган (Нўмон ибн Амир. «Тафсири Нўъманий

»
. 1-жилд. – Оренбург, 1907. – Б. 79).

Лекин унда Моида сурасининг 64-ояти: Балки Аллох таолонинг кўллари очик ва кенгдир, амрина итаот этувчиларга дунё, охират молини ва бахтини берув ...», дея тафсир килинган (Нўмон ибн Амир. «Тафсири Нўъманий

»
. 1-жилд. – Оренбург, 1907. – Б. 168).

Хуллас, «Тафсири Нўъманий» да «яд» сифати муносиб ўринларга караб, «кўл» (Сод, 75), «тас арруф ва кудрат

»
(Зумар, 67),
«
неъмат ва хидоят

»
(Фатх, 10),
«
ихтиёр ва тасарруф

»
(Мулк, 1) деб тафсир килинган.

XIX асрда татар тилида Хусайн ибн Амирхон (рахимахуллох) томонидан яна бир тафсир «Тафсири Фавоид» ёзилган. Унда бундай кайд мавжуд:

□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□ □□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□

«Бу «Тафсир ал-Фавоид» деб номланган тафсир Имом Аъзам, буюк ва пешкадам зот Абу Ханифа ал-Кўфий мазхабига кўра тафсир килинган» (Хусайн ибн Амирхон. Тафсири Фавоид. 1-жилд. – Козон, 1886. – Б. 312).

Мазкур «Тафсири Фавоид» да ҳам «яд» сифати муносиб ўринларга караб, «кудрат» (Сод, 75),

«
кудрат ва ёрдам кўли

»
(Фатх, 10),

«
кўл

»
(Оли Имрон, 26; Моида, 64; Мулк, 1), деб тафсир килинган.

Татар тилида ёзилган яна бир тафсир «Тасхил ал-баён» Ўрта Осиё халклари орасида ҳам то hozirгача шуҳрат қозонган. У XX аср бошларида Мухаммад Содик ибн Мулло Шох Ахмад Иймонкули (раҳимахулло х) томонидан

тафсир килинган бўлиб, унда, масалан, Оли Имрон сурасининг 26-ояти:

«
Сенинг қудрат қўлингдандур барча эзгулик, яъни барча хайр ва яхши ишлар Сандандир

»
, деб тафсир килинган (Мухаммад Содик Иймонкули. «Тасхил ал-баён

»
. 1-жилд. – Қозон, 1911. – Б. 127).

«Тасхил ал-баён» да «яд» сифати Оли Имрон сурасининг 26-оятида «кудрат қўли», дейилган бўлса-да, бошка ўринларда

«
яди қудрат

»
дейилади (Масалан, қаранг: Фатх, 10; Мулк, 1). Жумладан, Моида сурасининг 64-оятидаги:

□□□□□□□□ □□□□ □□

жумласи қуйидагича тафсир килинган:

«Балки, Худой таолонинг яди қудратлари очиклардир. Фазл ва қарам қўб ҳам қенгдир.

«
«
Ядуллох

»

Худой таолонинг сифоти зотиясиндан бир сифатдир,

«

самъ

»

,

«

басар

»

каби. Онинг борликина иймон келтирулур, кайфиятини тафтиш ва тафаххус этилмас

»

(Мухаммад Содик Иймонкули.

«

Тасхил ал-баён

»

. 1-жилд. – Козон, 1911. – Б. 294).

Куръони каримнинг Мулк сураси кўпгина тафсирлар асосида килинган алохида тафсири Истанбулда нашр килинган. Мазкур нашрда ҳам 1-оятдаги ﷻ ﷻ жумласи: «Жами умурнинг нусрати Анинг кабзаи кудратиндадур», деб тафсир килинган (

«

Тафсири сурат ал-Мулк

»

. – Истанбул: Хилмий, 1303. – Б. 1).

Аллох таолонинг «яд» ва унга маънодош сифати катнашган оятларнинг мазмунини форсий ва туркий тафсирларда кузатар эканмиз, уни «даст» деб хам,

«

кўл

»

деб хам,

«

дасти кудрат

»

, деб хам,

«

кудрат кўли

»

деб хам,

«

тасарруф

»

, деб хам,

«

кувват

»

, деб хам,

«

яд

»

деб хам,

«

кабзаи кудрат

»

деб хам таржима килиш мумкин экан. Унинг бундай деб таржима килинишига Аллома

Саъдуддин ат-Тафтазоний (

рахимахуллох

), Хусайн Воиз ал-Кошифий (

рахимахуллох

), Абдуррахмон ал-Жомий (рахимахуллох) ва Алишер Навоий (рахимахуллох)дек

мутафаккирлардан тортиб ҳозирги кунгача бўлган беш-олти асрда яшаб ўтган уламолар

жамоаси эътироз билдирмаганлар. Чунки улар мутааххирин мутакаллимлар

«

яд

»

ни

«

даст

»

деб ва бошка таржималар билан беришни жоиз кўрганликларини яхши билганлар. Бу

нарсга бадий адабиётда ҳам ўз аксини топган. Шоирлар

«

яд

»

ни

«

даст

»

деб берганларини ҳеч ким инкор қилмаган. Масалан, таникли мутасаввиф Махдуми

Аъзам (

рахимахуллох

) рисоалари тўпламида куйидаги байт келтирилган:

Эй, каримий, ки дар саройи вужуд,

Дасти жудат дар карам бикушуд!

(«Эй, вужуд саройида бўлган Карим Зот, саховат кўлинг карамдан очилсин!») (Махдуми Аъзам. «Ма

жмуат ар-расоил

»

. ЎзР ФА ШИ кўлёмаси, № 3386. – В. 48

а

).

Жалолиддин Румий (рахимахуллох) каламига мансуб «Маснавий Маънавий» да хам «яд» ўрнида

«

даст

»

сифати келтирилиши бир канча ўринларда учрайди:

1) Ошиконро шодмони-ю гам Ўст,

Дасти музд-у ужрат-и хидмат хам Ўст!

(Ошиқларга шодлик хам, гам хам Удир, хизматнинг хақи ва савоб қўли хам Удир!).

2) Дастро мабиёр жуз дар дасти Пир,

Хак шудаёт он дасти уро Дастигир.

(Пирнинг кўлидан бошкага кўлни берма, чунки, Хак таоло унинг кўлини тутувчи дастгирдир!).

3) Сад хазорон марг талх аз дасти Ту,

Нест монанди фирок рўйи Ту!

(Юз минг ўлим Сенинг кўлингдан аччикдир, лекин у Сенинг юзингдан айриликка монанд эмас!).

4) Он ки бо бахшад агар бикшад, ки равост,

Ноиб аст-у дасти у дасти Худост.

(У багишласа хам, ўлдирса хам раводир, чунки у ўринбосар бўлиб, унинг кўли Худонинг кўлидир).

5) Дасти лутфаш манбаъи илму хикам,

Бекалам бар сафхаи дил зад ракам.

Илми ахли дил на аз мактаб буд,

Балки аз талкини хосси Раб буд.

(Унинг лутф кўли илму хикмат манбасидир, каламсиэ дил сахифасига чизади. Дил ахлининг илми мактабдан эмас, балки Парвардигорнинг хос талкинидан бўлгандир).

Буюк мутафаккир, форс адабиётининг энг кўзга кўринган вакили Шайх Саъдий Шерозий (рахимахуллох) ҳам бир байтида куйидагича зикр қилган:

Ва гар бар жафо пеша бишитофтий,

Кай аз дасти кахраш омон ёфтий?!

(Агар жабру жафони қилишга шошиладиган бўлсанг, Унинг кахр кўлидан қачон омон қоласан?!).

Юқоридаги байтлар машхур тафсир «Рух ал-баён»да келтирилган бўлиб, «даст» деб берилишига ҳеч қандай эътироз билдирилмагани, унинг ақийдага кўра жоиз эканини билдиради. Шунингдек,

«

Маснавийи маънавий

»

асрлар давомида ўқилиб келинган, ёд олинган, дарслик сифатида талабаларга

ўқитилган. Бирок ундаги

«

дасти Худо

»

га ҳеч ким эътироз билдирмаган.

Хулоса

Басранинг Тамим кабиласидан чиққан Абдуллох Сабиг деган кимса илк хаворижлар тоифасидан бўлиб, Куръони Каримнинг муташобех оятлари борасида кўп гапирар, олимлардан бу борада саволлар сўрагани-сўраган, хамминг бошини қотириб юриши билан танилган эди. Чахорёри изомлардан бўлган буюк рошид халифа Ҳазрати Умар (розияллоху анху) унинг таъзирини бериб қўйиш мақсадида ўз қўллари билан бир неча дарра тайёрлаб қўйган экан. Бир куни Ҳазрати Умар (розияллоху анху) уни олдига ўтказиб қўйиб, «Кимсан, ўзи?

»

деган. У: «Мен Абдуллох Сабигман!

»

дебди. Ҳазрати Умар (

розияллоху анху

): «Мен Абдуллох Умарман!

»

дея унинг жагига бир туширибди. Жаги йиртилиб, юзлари қонга бўялибди. Абдуллох Сабиг: «Эй, мўъминлар амири! Бўлди, шу қифоя қилади. Бошимдаги фикрлар тарқаб кетди

»

, деган экан. Бир ривоятда зикр қилинишича, уни то холис тавба қилгунча зиндонда сақлаб, Ҳазрати Умар (

розияллоху анху

) ҳар куни дарралаб турган (Али ал-қори. Шарх аш-Шифо. 2-жилд. – Истанбул, 1309. – Б. 494).

Шундан сўнг Абдуллох Сабиг Басрада яшаб қолган, ҳеч ким билан гаплашмас, одамлар билан аралашмас, давралардан тезда туриб кетадиган бўлган.

Бугунги кунда ҳам ўзини гўё ахли суннат ва жамоани химоя килаётгандек кўрсатиб, хаммага муташобех оятлар ва Аллох таолонинг «яд», «важх», «айн» каби сифатлари борасида гапириб, хамманинг бошини котириб, дилини гаш килиб, Аллох таолонинг мана шу сифатлари оркасидан элу юртда танилган уламо ва домлаларни ёмонотликка чиқаришга урунишлар кўриниб қолиши мумкин. Аслида, илмий равишда кўриб чиқилмаган бўлса, уларнинг бу хилдаги гаплари ноўрин ва тушунмовчилик оқибатида чиқиб келиши аён бўлади. Биз буни юкоридаги мақоламизда батафсил кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

Шабпара хоҳад, ки набувад офтоб,

То бибийнад дийдаи у дар рўз бум.

Дасти кудрат хар сабохи шамъи меҳр,

Мефурўзад кўри ханноши шум!

(Кўршапалак куёш бўлмаслигини хоҳлайди, токи, унинг кўзи кундузи кўрадиган бўлсин! Хар тонг Кудрат кўли куёш шамини ёқар экан, шум кўршапалак кўр бўлиб қолаверади!).

Аллох таолонинг муташобех сифатларидан бири «яд»ни таржима килиш мумкин ёки мумкин эмаслигига багишланган мазкур мақоладан оладиган илмий хулосаларимиз куйидагича:

□ Аллох таолонинг сифатлари орасида «муташобех» деб аталадиган «яд», «важх», «айн» сингари зохиран яралмишлар сифатларига ўхшаган сифатлари мавжуддир. Уларнинг асл ҳақиқати ва моҳиятини Аллох таолонинг ўзи билгувчидир! Улар кайфиятсиз – қандайлиги маълум бўлмаган собит ва азалий сифатлардир.

□ Аллох таолонинг мазкур муташобех сифатларини тушунишда ахли сунна ва жамоа вакиллари икки гуруҳга бўлинганлар. Мутакаддим деб аталган олдинги давр уламолари жамоаси уларни ҳеч қандай таъвилсиз, тушунтиришларсиз, изохлашларсиз, Аллох таолонинг ўзига хос сифатидир, деган қарашда бўлганлар. Улар мазкур сифатларнинг маъносини Аллох таолонинг ўзига топширганлари боис тафвиъ ахли деб номланганлар. Мутааххир деб аталган кейинги давр уламолари эса уларни таъвил билан тушунтиришга, изохлашга мажбур бўлганлар ва таъвил ахли деб номланганлар.

□ Аллох таолонинг мазкур муташобех сифатларидан «яд» сифатини (шунингдек, лугатан аъзоларни билдирадиган сифатларни) мутакаддим олимлар мутлақо таржима қилиб бўлмайдилар, бу энг эҳтиёт ва энг аслам (соғлом) йўл деб келганлар. Мутааххир уламолардан тақво ва салафи солихларга эргашганлари ҳам уларнинг йўлларини макбул санаганлар. Кейинги давр уламоларидан кўпчилиги ушбу муташобех сифатни тушунтириш ва муфассалроқ изохлаш мақсадида таржима қилишга ҳам мажбур бўлганлар. Бу йўл аҳкам – мустаҳкамроқ экани қайд қилинган. Шунинг учун форсий ва туркий тафсириларда «яд» сифати учрайдиган оятлар таржима қилинганини ҳам кўриш мумкин.

□ Бугунги кунда Қуръони қарим оятлари маънолари таржима қилинар экан, «яд» сифатини таржима қилмасдан унинг Имом Аъзам Абу Ханифа (р.х.) қабил салафи солихлар йўлига эргашган ҳолда сифатнинг ўз лафзини бериш ёки таъвил йўлига қўра муносиб ўрнига қараб

«

қувват

»

,

«

қудрат

»

,

«

тасарруф

»

,

«

неъмат

»

, нусрат

»

,

«

хидоят

»

каби изоҳлар билан бериш макбуллигича колаверади. Агар

«

яд

»

сифатини таржима килинадиган бўлса, ёки таъвилга кўра маъно берилса, албатта, тафсирда ёки маъно таржима матнининг тағизоҳида унинг муташобех сифат эканини кайд килиш лозим бўлади.

□ Бугунги кундаги Куръони карим оятлари маънолари таржима ва тафсирларида Аллох таолонинг «яд» сифати таржима килинган бўлса, унинг нотўғрилигини ёки мутаржим ва муфассирнинг адашганлиги ёхуд бидъатчилиги, ваххобийлигини асло билдирмайди, балки бу ўтган асрларда килинган таникли форсий ва туркий тафсир ҳамда таржималарнинг йўлидан борилганлигини билдиради, холос.

Куръони каримнинг маъно таржималари ва араб тилидан бошка тилларда килинган тафсирларига ҳамма даврларда, барча замон ва маконларда эҳтиёж катта бўлган. Одамлар Куръони Каримни тиловат килар эканлар, оятларнинг маъноларини билишга, уларнинг мазмунини тадаббур ва тафаккур килиб ўқишга кизикаверадилар. Одамларни яхшиликка, иймон-эътикодга, исломий ҳаётга, диний маданиятга чорлаш максатида ҳам Куръони Карим маънолари таржимасига, ажам халклари тилларидаги тафсирига эҳтиёж сезилаверади. Шунинг учун ҳам, ҳар хил одамларнинг савия ва билим доиралари, илмий дунёкарашларига караб маъно таржима ва тафсирлар яратилиши ҳамма вақт ўз-ўзидан ахамиятли ва долзарб иш бўлиб колаверади. Бундай уринишларда камчиликлар ҳам бўлиши табиий, албатта. Уларни оламга дoston килмасдан, айб ва камчиликларини айтиб, муаллиф ва муфассирни обрўсизлантиришга уринмасдан, балки тўғрилашга, хато ва камчиликларни афв килишга, холис инсоф ва кечиримлилик сифати ила ёпишга ҳаракат килмок, шак йўқки, соф эътикодли комил мўминлик аломатидир! Куръони Каримнинг маъно таржима ва тафсирлари ҳам барча таржима китобларга ўхшаб ҳаммага бирдек макбул бўлавермаслиги табиий ҳолатдир. Агар шундай бўладиган бўлса, янгидан-янги маъно таржима ва тафсирларга уриниб кўриш ҳам керак, камчилиги бор асарларга ўрта асрлардаги муаллифлар сингари илмий равишда раддиялар, тўлдирмалар, таълиқалар, изоҳ-хошиялар битиш ҳам мумкин. Шоядки, шунда оламга Аллох таоло Каломининг янги маънолари кашф килиниб, янги тафсир – изоҳ ва шарҳлари бўй кўрсатиб, муаллиф, мусанниф ва муфассирини олдинги даврларда ўтган муфассири киромлар каторига кўшса!

Аллох таоло Ўзининг Каломидан беҳабар колдирмасин, айирмасин, бегона килмасин! У мўмин-мусулмонларнинг барчасини куръонхон, тафсирхон бандалари айласин! Ҳаммага инсофу тавфик бериб, ҳақ йўлдан, соф эътикоддан, мусаффо акийдадан айирмасин!

Мусулмонлар бирдамлиги, бир-бирига мухаббати ва самимияти, илм ахлларининг иттифоқи мустаҳкам бўлсин!

Ҳамидуллоҳ Беруний